

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

- 2004 йил, 19 август, пайшанба № 99 (1987).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 19 августа, 2004 г. № 99 (1987).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

● ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Бўлажак сайловга бағишланди

Олий Мажлисда икки палатали парламентни сайлаш арафасида Ўзбекистон электорати (социологик таҳлил)га бағишланган йиғилиш бўлди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, подавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва подавлат ташкилотлар вакиллари, социолог, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар, халқаро ташкилотлар ҳамда маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Муштафоев, парламентнинг Демократик институтлар, подавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А. Саидов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази директори Р. Убайдуллаева маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари: тўғрисида»ги қонун ва бошқа қону ҳужжатлари билан мустақамланган сайлов ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Сайловчилар ўз иродаларини эркин ифода этиш ва овоз беришнинг сир тутилиши ҳуқуқига эга. Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосига қурилади. Ҳар бир сайловчи сайлов жараёни давомида сайлов округлари ва участкаларининг тузилиши, сайлов комиссияларининг таркиби ва уларнинг иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатдан ўтказиш яқинлигига, овоз бериш ва сайловларга оид ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга экани қайд этилди.

Ҳар бир фуқарога ўз сайлов ҳуқуқларини судда ҳимоя этиш, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имконияти кафолатланади.

Йиғилишда икки палатали парламентни сайлаш арафасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари юртимиз


фуқаролари Олий Мажлисга бўлажак сайловдан, мамлакат парламенти ислоҳ қилинишидан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонундан хабардор эканини кўрсатгани қайд этилди. Сўров давомида аҳолининг Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятиндан хабардорлик даражаси, фуқаролар кимларни бўлажак депутатлар сифатида кўрмоқчи экани, қайси оммавий ахборот воситалари ахборотнинг асосий манбаи ҳисобланиши аниқланди.

Аҳоли ҳуқуқий маданияти янада юксалтириш, сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар ва жамоат ҳамда подавлат ташкилотлар фаолиятининг фаолаштириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Фуқаролик жамияти ривожланишининг мазкур босқичида бўлажак сайловларнинг натижалари учун бутун жамиятнинг масъулияти янада ошади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайлов ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда муҳим босқич экани алоҳида қайд этилди.

(ЎЗА).

● СЕНИНГ УЎЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!



Маълумки, аксарият посбонлар ёзги ўқув мавсумини ҳам юқори кўрсаткичлар, аъло натижалар билан яқунлашни режалаштиришлар. Шартнома асосида хизмат сержанти Абдужаббор Ганиевни ҳам ҳозирги ўқув мавсуми натижа д а р и г а кўра илғор посбонлар қаторига кўшса бўлади. Зеро, доим изланувчан, ўз устида тинимсиз ишлайдиган сержантининг хатти-ҳаракатлари ўзгача баҳолашни мумкин ҳам эмас.

Александр МРУЧАК олган сурат.

● ЖАНГОВАР УЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА

Тоғ қўйнига сокинлик чўмди

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Халилов радиотелефончи. Тоғ шаронтидаги дала-ўқув машғулотларида қатнашиб, чиқиқанлардан. Яъни, нафақат алоқа илми, балки тоғ тайёргарлиги бўйича ҳам малакаси бор. Айни кунларда бўлаётган ўқув машғулотларида тўплаган тажриба ўз сўзини айтаяпти.

...Ҳор ичига яширишиб олган шартли душман ҳақида разведкачиларимиз маълумот бериши. Бу хусусда кўмондонликка зудлик билан ахборот бериш лозим. Чор атроф тоғлар билан ўралган. Тажрибали алоқачи ва зам-

навий алоқа воситаси керак, бундай пайтда. Кичик сержант Отабек Халилов аниқ, ишончли ҳаракат қилди. Керакли тўлиқ, частотага тўшиб, алоқани сифатли таъмин этди. Шу тариқа машғулотнинг аъло натижалар билан яқунлаштиришга қатта улуш қўшди.

— Ўқув машғулотларида уюшқоқлик муҳим ўрин тутмоқда. Жамоанинг ҳар бир мутахассиси ўз олдида қўйилган вазифани талаб даражасида адо этапти. Дейлик, посбонларимиз мазкур машғулот орқали пистирма қўйиш тактикасини юксак

(Давоми 2-бетда).

В ОСНОВЕ—ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ

До завершения летнего периода обучения, а вместе с ним и учебного года в целом, хоть и остается еще достаточно времени, тем не менее, командиры всех степеней уже сейчас всерьез задумываются о предстоящем ответственном экзамене — итоговой проверке. Веских причин для беспокойства, как показывают результаты предыдущих месяцев, нет, и все же каждый из них стремится создать запас прочности, досконально убедиться в потенциальных возможностях своих подчиненных, в том, насколько качественно они овладели вверенным оружием, техникой, и смогут ли в случае необходимости умело применить их на практике. Для того чтобы определить уровень подготовленности, степень боевой выучки воинов, с максимальной эффективностью используется каждая минута

учебного времени. Основное внимание прежде всего уделяется полевым занятиям, поскольку именно на полигонах, войсковых стрельбищах воины приобретают практические навыки, повышают профессиональное мастерство, налаживают взаимодействие. Но, как известно, все начинается с малого, а потому самое пристальное внимание уделяется этому процессу и в местах постоянной дислокации, где эффективно используется учебно-материальная база. Для артиллеристов, к примеру, хорошим подспорьем в этом служат малые артиллерийские полигоны (МАП), дающие возможность командирам батарей, дивизионов поднакопить опыта, восполнить имеющиеся пробелы. В этом день ото дня на собственном опыте убеждаются, в частности, военнослужащие воинского

(Окончание на 2-й стр.).

ЎЗБЕК ШАРОБИГА 21 МУКОФОТ

«Ўзмевасабзавотузумса и оат-холдинг» компанияси ва унинг еттига тузилмавий корхонаси «Ялта. Олтин грифон—2004» халқаро танловининг 21 мукофоти — иккита олтин, ўн битта кумуш ва олтига бронза медал, шунингдек, фахрий дипломларга сазовор бўлди.

Узум ва мева винолари, коньяк, шампан, спиртли ва бошқа ўткир ичимликлар халқаро танловиде МДХ давлатлари, Болтиқбўйи, Франция, Исроил, Болгария ва бошқа мамлакатлар корхоналари, фирма ва компаниялари иштирок этди. Танловда энг кўп мукофотни

Ўзбекистонлик мусалласчилар кўлга киритди.

Компания бундай муваффақиятга экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор берганлиги туфайли эришди. Бу борада маҳсулотни қадоқлаш ва дизайн масаласи ҳал этилди, корхоналарни хомашё билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилди ва энг асосийси соҳани замонавийлаштириш ичимликлар сифатини сезиларли тарзда ошириш имконини берди.

Компания раҳбарияти томонидан узумзорлар майдонини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда 23 минг гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Уртача ҳосилдорлик эса гектаридан 80—90 центнерни ташкил этаётир.

Наҳон бозорида талаб юқори бўлган спирт қўшилмаган ва десерт мусалласлар тайёрлаш учун узум етиштирувчи хўжаликлар «Саперави», «Каберне», «Хиндони», «Пино», «Алеатико», «Мускат венгерский», «Рислинг», «Морастель» ва бошқа навлари экилган майдонларни кенгайтирмоқда.

Жамшид РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йил баҳориде Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўпурувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан бошланган суд жараёни бир неча кунлик таънаффусдан сўнг яна давом этапти. Суд жараёнига Олий суд раисининг ўринбосари Б. Жамолов раислик қилмоқда.

Судлаувчилар Ф. Юсупов, Ф. Казакбаев, М. Мирзақулов, Н. Курбаналиев, Р. Юсупов, А. Зулпиқаров,

Қ. Сохоталиев, Ж. Нигматов, Е. Умаров, Х. Ишма- тов, У. Ҳамроев, Е. Асла- нов, К. Каюмова, И. Тош- пўлатова, Қ. Тўйчиев даст- лабки тергов органлари то- монидан оғирлаштирувчи ҳо- латларда қасддан одам ўл- дириш, терроризм, босқинчи- лик, диний экстремизм, ўқо- тар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи модда- ларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда каби ўта оғир жиноатларни содир этганликда айбланган. Қайта иш бошлаган суд

мажлисининг биринчи кунини йигирмадан зиёд жабранувчи, гувоҳ ва жабранувчи- лар вакиллари жиноят иши юзасидан кўргазма берди. Айбланувчилар аъ- зо бўлган жиноий гуруҳ то- монидан содир этилган ёвуз- ликлар ва уларнинг оқибати хусусида сўзлаб беришди. Оқиқ кўрилатган суд жа- раёнида 30 нафардан зиёд хоржий ва маҳаллий жур- налист, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

(ЎЗА).

Тоғ кўйнига сокинлик чўмди

(Давоми. Боши 1-бетда). Эгаллашганини исботлашмоқда. Шунингдек, мерганларимиз хатти-ҳаракати ҳам таҳсинга сазовор. Блок-постлар ташкил этиш, қўриқлаш ишларини олиб боришда ютуқларга эришганимиз. Ҳар бир жанговар ўқув машғулоти олдиндан ўша жой рельефи, жүгройфай жиҳатлари тушунтирилади. Макетлар, хариталар ёрдамида кўшимча маълумотлар берилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, жанговар ўқув машғулотиди алоқа жуда муҳим. Алоқа узилгани — бу жанговар шайлиққа путур етиши демакдир. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, алоқачиларимиз хизматларидан кўнгил тўқ. Айниқса, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари О. Халилов, ўқчи-алоқачи И. Худойназаров, У. Тоғавларни таъкидлаб ўтган бўлардим.

Моҳирона командирлик қилиш, шахсий таркибга ҳар қандай шароитда етакчи бўлиш, вазиятга қараб тезкор ҳудосалар чиқаришда гап

кўп. Айниқса, бунда батальон командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари капитан Муҳаммаджон Назаров, взвод командирини катта лейтенант Исмоил Қурбонов, взвод командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари катта лейтенант Р. Абдусатторов, гуруҳ командирини лейтенант З. Раҳимовларнинг хизматлари беқиёс бўлаётти, — дейди жамоа командири подполковник Нодир Ашуралиев.

Снайперлар ҳақида гап кетганда, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари В. Шарипов ва Х. Ороловларнинг маҳоратига таҳсин айтса арзийди. Улар ўқув машғулотиди маскировка қилиш сирларини пухта билишлари, нишонга бехато уришлари билан намуна кўрсатишди. Масалан, улар шартли душман етакчиларини машғулотда бехато нишонга олиб, улар гуруҳини нарсанасиз соқиб. Пистирмада турган посбонларимиз ўз наватидида шартли душман кучларини яқсон этиб, жамоа муваффақиятини таъмин

этишди. Бунда пулемётчи посбон шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари М. Холлиевнинг ҳам хизматлари беқиёс бўлди.

Тоғқа қоронғулик чўмди, туғи сокинлик инди. Қўшларнинг, ёввойи ҳайвонларнинг товуши сокинликка тез тез даҳл солади. Туғи кўриш мосламаси билан атрофини сичиқлаб кузатаётган посбон ҳар бир шартнома илғаиди. Огоҳлиқ, сергакликдек муҳим қуроли бор. У чодирли шаҳарчада дам олаётган сафдошлари ҳаловатини қўриқлапти, деб ўйла-сангиз, бир оз хато қиласиз. У юртининг, юртдошларининг тинчлигини, оёқини тинч қилапти. Истиқлоли, истиқболи йўлида бедор. Унинг ниёти, мақсади улуг. Шу бонс ҳам бу йўлда уни ҳеч ким енга олмайдди. Керак бўлса, Ватанинг бир бўлаги ҳисобланган ана шу тоғу тошлардан куч олади, қувват олади, ўзбегимнинг бу мард посбони.

Майор Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

С ПОЛЕИ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

ДЕЙСТВУЮТ УВЕРЕННО

Когда в ходе выполнения учебно-боевой задачи необходимо совершить маневр огнем и подавить хорошо укрытую огневую точку «противника», командир вызывает к себе начальника расчета крупнокалиберного пулемета младшего сержанта М. Сайдалиева. Этот младший командир не раз отличался в ходе занятий и учений способностью быстро оценить обстановку и самостоятельно принять правильное решение.

Пулемет — орудие коллективное, и успех в учебном бою зависит от слаженных действий всех номеров расчета. Младший сержант М. Сайдалиев в ходе занятий много внимания уделяет вопросам взаимодействия и взаимозаменяемости подчиненных. Его первый помощник — младший сержант А. Мардонов — наводчик пулемета. Даже совершив многокилометровый

марш-бросок с полной боевой выкладкой, он уверенно поражает цели, а после учебного боя в первую очередь заботится о своем оружии.

Номер расчета рядовой Н. Ражапов пока известен в подразделении больше как военнослужащий, добросовестно несущий воинскую службу в карауле и внутреннем наряде, чем как мастер меткого огня. Но придет время, и он тоже научится действовать быстро и решительно, а при необходимости сможет заменить в бою наводчика или командира.

Достоинство встречая 13-ю годовщину независимости, расчет младшего сержанта М. Сайдалиева использует каждую минуту занятий в горах для повышения своего боевого мастерства.

В. НИКОЛАЕВ.

САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДА

Йўлимиз равондир демак

Термизда — сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчиларнинг ойллик йиғини ўтаётган ҳарбий жамоадамиз. Назорат ўтиш жойидан ичкарига кираётиб, ташриф буюрувчилар хонасида дийдорлашаётган она-болани кўрдим. Эгнига ҳарбий либос ярашган фарзандига боқиб тўймаётган эди, она. Саф майдониди шахдам-шахдам одимлаётган ўғлонларга қараб, гурурланиб кўяди. Кўтаринки кайфиятдаги онани суҳбатга тортамиз. «Барака тонгур офицер болаларим бизларга жуда меҳрибон. Ўғлимни кўришга келиб, ўғилларим кўнайди. Менга мана шу ҳарбий йиғитлар ҳам ўғлимдек, «Аяжон» деб кўли нўқсида бўлса, ширин муомала қилса, фарзандимдек кўраман-да. Ўғлим Умидуллонинг ойллик йиғинидаги шарт-шароити, хизматлари билан танишдим. Қисқа муддатда кўп сабоқлар беришди, командирлари. Очиги, бу хизмат турига ўғлимни олишганида, бироз иккилангандим. Мана эди нишонч ҳосил қиламанки, шу қисқа вақт ичида ҳам анча ҳарбий билимларни ўрганиш мумкин экан. Ҳадемай Ҳарбий қасамдини қабул қилади. Ойлик йиғини ниҳосига етгач туман халқ таълими бўлимидаги ишини

давом эттиради. Бу ҳам бўлса янги хизмат бераётган имконият», — дейди Саодат Нормуродова.

Энди аянинг фарзанди билан танишамиз. Умидулло Тошқулов, Термиз давлат университетининг молия факультетини тугаллаган. Бойсулик бу йиғит ҳозирда туман халқ таълими бўлимида ҳисобчи. Оилали, бир ўғли бор.


— Саф тайёргарлиги, саф кўшигини ўргандин. Жанговар қуроллар ҳақида маълумотлар олдим. Тез орада нишонга отиш машғулотларини бажарамиз. Дам олиш кунлари турли маданияни, оммавий-спорт тadbирлари ўтказилапти. Вазодими командири лейтенант Шухрат Мусахўжаев тажрибали офицерлардан экан. Бизга ҳарб илмидан кўп сабоқлар берди. Ватанимга озми-кўпми хизмат қилиш ҳамда ўз севган касбини давом эттиришдек имконият берган янги хизмат туридан мамнунман, — дейди Умидулло.

Ҳа, ўтказилаётган ислохотларимиз меваси бу. Жойларда уларни тушуниб, ҳис қилиб, қўллаб-қувватлашаётган экан, бу равон йўлдан бораётганимиздан дўрлат.

А. АЛИЕВ.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Файзулло Норқулов ёзги ўқув мавсумида яхши натижаларга эришмоқда. У Мустақиллигимизнинг 13 йиллигини ўз жанговар ютуқлари билан муносиб кутиб олишга бел боғлаган.

Александр МРУЧАК олган сурат.



Намунали хизмати—тўйга тўёна

Лейтенант Ниёз Маҳмудов командирлик қилаётган гуруҳда ўз вазифасига виждонан ва астойдил ёндашувчи. Ватан ҳимоясини шараф деб билувчи посбонлар талайгина. Оддий аскар Ҳасанбой Орипов шулар жумласидандир.

— Келажакда ҳам ўз ҳаётини ҳарбийлик билан боғламоқчиман, — дейди муддатли ҳарбий хизматчи. — Айнан шунинг учун менга берилаётган ҳар бир сабоқни, касимга алоқадор билимларни кунт билан ўзлаштиришга интиляман. Оддий аскар Ориповнинг

В ОСНОВЕ — ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ

(Оқоначи. Начало на 1-й стр.)

коллектива, где служит офицер В. Цой. «Артиллерист, имеющий опыт работы на МАПе, — говорит он, — выполнит задачу и на реальном полигоне». Теперь понятно, почему с таким нетерпением ждут в части занятия, которые два раза в неделю в обязательном порядке проводятся на МАПе и получили негласное название — дни артиллериста. В совершенстве отработав задачи по управлению огнем артиллерии, научившись принимать грамотные решения на открытые огни, артиллеристы смело приступают к выполнению этих ответственных заданий в боевой обстановке. Подтверждением тому послужил недавний полевой выход дивизиона под командованием офицера У. Саидова.

Выстрелы в ходе тактических занятий не прозвучали, но все, что должно предшествовать им, выполнялось сполна. Тщательно производилась разведка целей, с максимальной точностью определялись их координаты, которые мгновенно обрабатывались, и через считанные секунды наводчики уже были в готовности доложить об открытии огня. Каждый специалист безупречно действовал на отведенном ему участке, что позволило без ма-

лейших заминков решать поставленные задачи, а это уже не что иное, как образец высокой слаженности, полного взаимопонимания и взаимодействия. Именно этого добивался командир дивизиона и, как видим, безрезультатно. Подразделение старшего лейтенанта Н. Курбанова, лейтенанта Р. Исмаилова продемонстрировали пример артиллерийской выучки и доказали, что в любой обстановке они способны действовать расчетливо и хладнокровно. На высоте оказались и командиры орудий. Военнослужащие по контракту, те, кто составляют основу наших Вооруженных Сил, сполна оправдали возлагаемые на них надежды. Младшие сержанты У. Миршаёв, А. Эргашев, Р. Каримов, О. Сидиков профессионально руководили расчетами, что и позволило достичь высоких показателей.

Следующая неделя в жизнедеятельности воинов-артиллеристов ознаменуется важным событием. На базе одной из воинских частей пройдет конкурс на лучшее специалиста, участники которого, без всякого сомнения, сумеют проявить все свои лучшие качества, а достигнутые успехи приурочат к приближающемуся всенародному празднику — Дню независимости.

Подполковник Ярослав КОРУКА.

НАЗАРГА ТУШГАН ПОСБОН

Ғулومнинг муддатли хизматни тугатиб, шартнома асосида хизматини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ғулум Ғофуров подполковник Ҳанимжон Сатиллов етакчилиги қилаётган ҳарбий жамоанинг энг илгор шунқорларидан ҳисобланади.

— Оддий аскар Ғ. Ғофуров бизнинг жамоамизда шартнома асосида хизматини давом эттираётганига энди тўрт ой бўлди, — дейди дивизион командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари катта лейтенант Шавкат Ҳамидов. — Ўз касбини севган посбон топшириқларини белгиланган муддатда удалаб, қисқа вақт ичида қисм офицерлари назарига тушди. Бундай илгор посбонлар сафига шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Маъмур Акрамов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Фарҳод Неъматовларини ҳам киритиш мумкин.

Ғулумнинг эътирофи эйтишча, «Армия ҳаёти ҳақиқий Ватан фидойиларини кашф этувчи мактаб» экан. Посбон сержантлар хизматида қўлга киритилажак барча ютуқларини миллий армиямизнинг шаклланишига қўшилган камтарона улуши, деб билади.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

меҳнат қилмоқда. Унинг мақсади гуруҳида энг илгор бўлиш.

— Ушбу улуг ва қўтлуг байрамимизни аълочилар сафига кутиб олмақчиман. Мен бундай шодибонани илж бор ҳарбийлар орасида, армияда нишонлайман. Ўйлайманки, намунали хизматим тўйга муносиб тўёна бўла олади. Зеро, Ватан ҳимоясидан намунали хизматдан бўлак нарса талаб этилмайди, — дейди оддий аскар Орипов.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

23 - 29 АВГУСТА

ЭГРИ ЙУЛ БОШНИ ЭГАДИ

Мамлакатимизда бозорлар фаолиятини тартибга солиш борасида олинб борилаётган кенг қўламли иш...

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ БОШҚА-БОШҚА ТУИ

Афанди домла-имом бошлиқ бир қанча одамлар билан маъракага кетаётган эди...

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

ШОКОЛАДНЫ ТАНК

Севастопольский кондитер Анатолий Туманов создал шоколадный танкер...

ЧАНҚАГАН ЧУНТАК

Афанди бир кунни тўйга борди. Унинг ёнида ўтирган бир савдогар ошоналиқ...

ПРИДУМАЛИ ЖЕ...

Жители одной деревни в Уэльсе присвоили самое длинное в Великобритании название своему населенному пункту...

ҚАРЗИМ ЙУҚ

Афанди ўз дўстлари билан дарғага балиқ оғига борди. Афанди тугган балигини ёнида турган идишга солар...

ПОЛОТЕНЦА НЕ ВИДЕЛИ

В одном из госпиталей Хиросы разразился громкий скандал. Поводом к нему стала небрежность хирурга...

ДОЛЖНО БЫТЬ ЗАПРЕЩЕНО

из-за активности организации, пропагандирующей борьбу с пьянством. В то же время производитель мороженого подчеркивает...

23 АВГУСТА

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Тахлинома»
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузиллари»

23 АВГУСТА

- 17.00 «Давр»
17.35 «Яни авлод»
17.45 «Камолот»

23 АВГУСТА

- 16.00 «Слабое звено»
17.20 «Смехопанорама»
18.00 «Клон»

23 АВГУСТА

- 17.00 «Судья Дредд»
19.00 «Большая стирка»
20.00 «Козленок в молоке»

ПРИДУМАЛИ ЖЕ...

Жители одной деревни в Уэльсе присвоили самое длинное в Великобритании название своему населенному пункту...

ДОЛЖНО БЫТЬ ЗАПРЕЩЕНО

из-за активности организации, пропагандирующей борьбу с пьянством. В то же время производитель мороженого подчеркивает...

Table with multiple columns listing TV programs, channels, and times for August 23-29. Includes logos for various channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

24 АВГУСТА

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 8.00, 20.30 «Ахборот», 8.40 «Муқаддас ёғду».

13.25 «Умр дафтари» туркуманча, 13.45 «Фалси ёс», 13.55 Кишодадаги теңдолим.

14.20 «Ангел на дорогах», 15.30 Криминальная Россия, «Репортаж с того света». 2-я серия.

11.00 «Дороги любви», 12.00 «Светские львы», 14.00 «Кустакмеца», 14.30 «Хвостыте истории».

29 АВГУСТА

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 8.00 «Ахборот», 8.35 «Намазлар», 10.00 «Ватанига хизмат қиламан».

19.25 Кулгуч, 19.30 Сув — ҳаёт манбан, 19.45 «Кили кир ербо», 20.40 «Элгон аспарис».

13.40 «Большие родители», Валерий Попенченко, 14.10 Кибернетная программа, 15.10 Комедия «Каспер».

19.00 «Дикие звезды», 19.30 «Юрки», 20.00 «Открой, милиция!», 21.00 «Грай, мал Бэкхем».

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 8.30 «Ахборот», 8.40 «Муқаддас ёғду», 9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

17.20 «Луиза Фернандес», 17.45 «Табриклиймиз - кутлаймиз», 17.55 «Хорж кабарлари».

2.00 «Доброе утро, Россия!», 5.45 «Бедная Настя», 6.45 «Каменистая-2».

8.00 «Нис-мелины», 8.25 «Маска», 8.50 Мультфильм, 9.20 «Дружная семейка».

7.00 «Мунаввар тоғ», 8.30 «Янги авлод» студияси, 8.45 Мультфильм.

5.00, 9.00, 17.00 «Новости», 7.45 «Бодрое утро», 8.45, 17.00 «Новости» (рус.).

7.30 «Победный голос верующего», 8.00 «Мистер Бам», 8.30 «Ураганчики».

5.00 «Доброе утро», 8.00, 11.00, 4.00 «Новости», 8.05 «Улицы разбитых фонарей».


25 АВГУСТА

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ?

ВСЕ О ЧЕЛОВЕКЕ

Один из американских научно-популярных журналов, пользуясь языком цифр, опубликовал любопытные сведения о человеке. Вот некоторые из них.



За всю свою жизнь человек съедает около 40 тонн пищи и выдыхает 380 тысяч кубических метров воздуха.

В человеке, который весит 70 кг, содержится 45,5 кг кислорода, 12,6 кг углерода, 7 кг водорода, 2,1 кг азота, 1,4 кг кальция, 0,7 кг фосфора и 0,7 кг калия, серы, натрия, хлора, магния, железа и цинка вместе взятых.

Из фосфора, находящегося в теле человека, можно было бы изготовить 750 тысяч спичек.

Ежегодно сердце расходует столько энергии, сколько нужно для того, чтобы поднять груз весом около 900 кг на высоту 14 метров.

Мельчайшие частицы организма, ответственные за передачу наследственных признаков, — гены — столь малы, что если бы гены всех людей планеты сложить вместе, то они уложились бы в один наперсток.

Человеческий мозг состоит из 10 миллиардов нервных клеток и обладает способностью запоминать 86 миллионов единиц информации. Каждую секунду в головном мозге человека происходит около ста тысяч химических реакций. Мозг за 0,05 секунды распознает объекты, изображение которых зафиксировал глаз. Максимальная скорость переда-

чи сигналов от нейрона к нейрону в мозге составляет 400 километров в час.

На голове у обычного человека в среднем 125 тысяч волос, причем у блондинов их 80—100 тысяч, в они тоньше, чем у брюнетов, у которых волос бывает даже до 150 тысяч. Срок жизни отдельного волоса 24 года, и скорость их роста неодинакова: быстрее растут волосы у людей в возрасте от 16 до 24 лет. Человеческий волос обладает большой прочностью не только на разрыв, но и на сжатие. Если положить волос на стальной лист и прокатить в холодном состоянии, то на его месте будет выдавлена бороздка.

Средняя продолжительность жизни выше всего в Японии — 79 лет, на год отстают Канада, Гонконг, Исландия, Швейцария и Швеция. Американцы живут 77 лет. А быстрее всех умирают люди в Гвинею-Бисау — там средняя продолжительность жизни всего 39 лет.

Подготовил Н. НИКОЛАЕВ.

● ЕН ДАФТАРИДАН ЕЗУВЛАР

ФАРЗАНДЛАРИМГА ЎГИТЛАР

Сен бировга яхшилик қилсанг, жавобини кутма. Ундан қайтмаса, бошқадан қайтади. Биров сенга ёмонлик қилса, жавоб берма. Сендан қайтмаса, бошқадан қайтади!

Менга юз марта озор берсанг, кечиршим мумкин. Онанга бир марта озор берсанг, кечирмайман: онанг сенга майдан кўра юз ҳисса кўп меҳр берган!

Нонингни йўқотсанг йўқот, номингни йўқотма!

Дераза — ойнадан ясалди. Кўзгу ҳам. Фарқи шуки, кўзгу ўзингни ўзингга кўр-

сатади. Дераза эса ҳаммасини кўриб турадию, ўзини кўрмаганга солади... Кўзгуга кўпроқ қара!

Мабодо нақондир мансабдор бўлиб қолсанг, билиб қўй: амал курсида ўтирганингда ним энг кўп тово-нингни яласа, курсидан тушганингда уша биринчи бўлиб сендан кўз ўтиради!

«Ошсиз уй бор, урушсиз уй йўқ» дейдилар. Ойланг-да жанжал чиқса, энг аввал фарзандларингни ўйлаб иш қил!

Ҳеч кимга ёмонлик соғинма. Ҳатто душманингда ёмонлик тиласанг, бир чеккаси

ўзингга қайтиб келади. Негаки олам бус-бутундир.

Аёл — гул. Эрак — боғбон. Сен гулни ҳор қилсанг, уни ўзга боғбон сийпалайди... Эрак — боғбон. Аёл — гул. Сен боғбонга тикан сансанг, у ўзга гулни сийпалайди... Икки ўртада сенинг мевалг етим қолади. Худо шундан асрасин!

Бу дунёда ҳамма нарсанинг жавоби бор, дейдилар. Тўғри гап! Аммо бу дунёда жавоб қилинмайдиган нарсалар ҳам бўлади.

У. ХОШИМОВНИНГ «Дафтар ҳошиясидаги битижлар» китобидан.

ПАМЯТНИКИ ЖИВОТНЫМ

В Париже поставлен памятник вполне конкретному сенбернару по кличке Барри. На pedestале выбита надпись «Доблестный Барри спас 40 человек от гибели». Сенбернары — это собаки-горноспасатели. Во время снежных лавин они ищут людей. На спине большой и сильной собаки приторочены средства помощи, одеяло, продукты, бутылка вина. Если собака не в силах сама раскопать потерпевшего, она мчится к людям за помощью. Таким образом Барри спас сорок человек. Сорок первый не подавал признаков жизни. Собака раскопала его и, согрешая, начала лизать лицо. Пострадавший очнулся, испугался собаки и, вытаскивая пистолет, выстрелил...

Подготовил Николай ЧУРСИНОВ.

МОЙ ЛАСКОВЫЙ И НЕЖНЫЙ...

Ручной удав боа может продлить жизнь человеку, излечив его, к примеру, от такого серьезного недуга, как гипертония. Ритм сердцебиения и кровяное давление в присутствии боа снижаются, особенно если погладить этого экзотического гада.

Англичанин Дерек Гроув, смотритель зоопарка «Дадли», пришел к такому выводу раньше медиков и уже много лет занимается разведением радужных боа. По мнению мистера Гроува, с ними гораздо меньше хлопот, чем с кошками и собаками, которые вечно порывают что-нибудь стаять или

опрокинуть. Кроме того, их содержание не влетит владельцу в копеечку, исключая расходы на клетку и обогреватель, а при хозяйском подходе ручной удав может приносить и немалую прибыль. Мистер Гроув, скажем, приспособился торговать эмальщиками, сбывая их по 300 долларов за штуку. К слову сказать, кормежка для ползучих претендентов на роль лучшего друга человека не в пример дешевле пресловутых «вискасов» и представляет собой замороженных крыс и мышей: какие-нибудь 35 пенса, а едят боа только раз в неделю.

ТАКСИЛАРГА ВИДЕОКАМЕРАЛАР УРНАТИЛМОҚДА

Японияда такси автомобилларига ҳисоб аппаратидан ташқари, видеокамера ҳам ўрнатилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — таксидарларни назорат қилиш эмас, балки такси ҳайдовчилари туфайли содир бўлаётган автоҳалокатларнинг сабабларини аниқлашдир. Бу видеокамера самолётлардаги «қора қутилар»нинг вазифини бажаради. Мазкур мослама «Витнес» (Гувоҳ) деб номланган ва олд ойнага ўрнатилади. Рақамли видеокамера на-

фақат тасвирга олади, балки автомобиль ўрилган вақтдаги зарб кучи ва тезлигини аниқлайди. Шунингдек, ушбу аппарат такен ҳайдовчиси тезликни метрлардан оширса, рулни кескин бурса, ўздан сигнал чқаради. Бу ноҳуш воқеа содир бўлиши мумкинлигиндан оқоҳлантиришидир.

Ҳозирга қадар Японияда жами 850 та такси автомобилга мазкур видеокамера ўрнатиб бўлинди. Аппарат нархи тахминан 100 доллар атрофида белгиланган.

УЧ ДАҚИҚАДА ЯРАТИЛГАН ШЕДЕВР

Оккульт фаоллар халқаро форуми Испания пойтахтида бутун дунёдан ташриф буюрган сеҳргарларни бир жойга йиғди.

Назарийетчи ва амалиётчилар ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича фикр алмашдилар.

Шундай қилиб, бразилиялик медиум Жозе Медрадо барчани қойил қолдирди. У француз импрессионистлари Ренуар ҳамда Гогенларнинг санъат асарларини 3 дақиқада, ҳеч қандай мўйқаламсиз, бармоқлари ёрдамида яратди.

Форум ташкилотчилари Жозе — ноёб истеъдод эгаси эканлигини таъкидладилар.

Бундан ташқари бир неча йил аввал Португалияда бразилиялик медиумнинг ҳамюрти Мария Гертруда Козльо ҳам ноёб иқтидорини намойиш этган эди. У бир неча дақиқадаёқ бармоғи билан Веласкес, Ван Гог ҳамда Ренуарнинг рангтасвирларидан аниқ нусхалар ярата олган эди. Мариянинг таъкидлашича, у тасвирий санъат бобида ҳеч қандай маълумотга эга эмас, унинг бармоқларини эса вафот этган усталар руҳи бошқариб туради...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 17 августдан бошлаб валюталарнинг буйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқарува ва бошқа мажбурий

гуловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 АҚШ доллари 1030.58
1 евро 1274.72

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● ТЕСТ

МУЛОҚОТГА КИРИШУВЧАНМИСИЗ?



Кисшининг энг биринчи эҳтиёжларидан бири нима эканлигини биласизми? Бу албатта мулоқотдир. Ва инсоннинг бошқа мажбуротлардан фарқи жиҳати ҳам унинг мулоқотга ўчилигидандир. Биз ҳар кунини ўйлаб, юзлаб инсонлар билан мулоқотда бўламиз. Аммо кимлардир тез тил топиша олади, баъзиларда эса бу сует кечади. Сиз ўзингизнинг мулоқотга киришини ҳамда инсонлар билан муомалада бўлиш даражанингизни билмоқчи бўлсангиз, қуйида берилган 16 та саволга «ҳа», «баъзан» ва «йўқ» деб жавоб беринг.

қорнингиз очганини сир тутасизми?

10. Бегона одам билан ёлғиз қолганингда, сиз биринчи бўлиб гапирасизми?

11. Сиз навбатда турганингда, тоқатингиз тоқ бўлиб, кетиб қоласизми?

12. Комиссия аъзоси бўлишдан қўрқасизми?

13. Сиз бирор шаронини баҳолашда бошқаларнинг фикрини қабул қилмайсиз.

14. Ўзингизга маълум масала бўйича бошқаларнинг нотўғри фикрини тўсатдан эшитиб қолсангиз, индамайсизми?

15. У ёки бу масалада ёрдам беришингизни сўрашса, малол келмайдими?

16. Ўз фикрингизни озгача баён этишдан кўра, ёзма ифодаланиш афзал кўрасиз.

Балларингизни ҳисобланг: «Ҳа» — 2 балл, «баъзан» — 1 балл, «йўқ» — 0 балл.

Энди натижага қаранг:

3 ва ундан кам балл. Сиз жуда сергапсиз, ҳар нарсанга аралашаврасиз. Ўзингиз беҳабар нарсалар хусусида ҳам фикрлар юритаверасиз, шу сабабли ҳам турли зиддиятлар ва жанжалларга дуч келасиз. Сиз ўзингизда энг

аввало, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш фазилатини ривожлантиришингиз лозим.

4—8 балл. Мулоқотга киришувчанлигингиз ёмон эмас. Сиз мунозараларда қатнашинини хуш кўрасиз. Ўз фикрингизни баён этиш сизга роҳат бағишлайди. Ишни охиригача олиб борасиз. Шунинг учун ҳам кўп омадсизликка дуч келасиз.

9—13 балл. Сиз мулоқотга киришувчансиз. Қизиқувчан, сергап турли масалаларда ўзгалар билан суҳбатлашинини яхши кўрасиз. Яъни одамлар билан танишини, давранинг диққат марказида бўлишни ёқтирасиз. Аччиғингиз тез, лекин тез совийсиз. Сизга сабр-тоқат ва ирода етишмайди.

14—18 балл. Сизнинг мулоқотга киришувчанлигингиз аъло даражада. Сиз кўп нарсанга қизиқасиз, суҳбатлашинини яхши кўрасиз, лекин шу билан бирга ўзгалар фикрини ҳам эътиборга оласиз. Сабр-тоқатсиз, кўпчилиқ билан қийинчиликсиз муомалада бўла оласиз, шовқин-суропли даврани ёқтирмайсиз.

А. САЛИХОВА тайёрлаган.

7. Сиз ота ва бола ўртасидаги муаммо ва турли авлод вакиллари бир-бирини тушунишлари қийинлигига ишонасизми?

8. Танишингизга бир неча ой аввал олган қарзини эслатишга уйласизми?

9. Севгилингиз олдида

● ОЛИМПИАДА-2004

БОКСЕРСКАЯ ДРУЖИНА ИДЕТ БЕЗ ПОТЕРЬ

На XXVIII Олимпийских играх с каждым днем разгорается все больше комплектов наград, но нашу сборную они пока что обходят стороной. В числе тех, для кого выступления на этих соревнованиях уже завершились, оказался, к сожалению, и наш армейский спортсмен Рамзиддин Саидов. Он уже стал четвертым из наших дзюдоистов, кому не покорился первый раунд. Выступая в весовой категории до 81 кг, узбекистанец уступил белорусскому атлету Сергею Шуткинову. В арсенале команды по этому виду единоборств еще Вячеслав Перетейко (90 кг) и довольно известный в мире спорта Абдулла Тангриев. Первый встретится с хозяином соревнований — греком Иясином Дионисиосом, а второй будет испытывать на прочность борца из Турции Матайли Матхая. Ознакомившись с результатами предыдущих выступлений соперников наших дзюдоистов, имеем повод надеяться

на благополучный для узбекистанцев исход. А вот команда боксеров, что делает ей честь, идет без потерь. Компанию Шерзоду Хусанову, Уткиру Хайдарову, Дильшоду Махмудову, Шерзоду Абдурахманову составили Бекзод Хидиров и Туляшбай Донияров. Последний уверенно провел свой поединок против филиппинца Пайло Виолетто и победил его по очкам — 36:24. Вчера эстафету подхватили тяжеловесы. В весовой категории 91 кг новичок сборной Игорь Алборов встретился с египетским боксером Элсандом Мухамедом, а бронзовый призер Сидней-2000 Рустам Саидов (+91 кг) — с кубинцем Лепесом Нунесом. Через утомительные заезды пробивались вчера в следующую стадию соревнований и гребцы. О том, как выступили наши «академики» Владимир Черненко и Елена Усарова, а также о всех других результатах, — в следующем номере.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

29 август куни соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали Республика Мудофаа вазирлигининг ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувиининг навбатдаги сони эфирга узатилади.

Кўрсатув асосан, умумхалқ байрами — Ватан посбонлари Мустақиллигимизнинг 13 йиллигини муносиб кутиб олаётганига бағишланади. Бу кўрсатувда «Кучли армия — тинчлик ва барқарорликнинг таянчи» деб номланган Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм намойиши этилади.

«Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувиининг такрорий намойиши сешанба, 31 августа, соат 16.00 да эфирга узатилади.


Ўз мухбиримиз.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 96

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. Королек. 6. Парубок. 10. «Гжелль». 11. Четки. 12. Скальпель. 15. Втулка. 18. Склока. 19. Акустик. 20. Простор. 21. Каземат. 25. Цейтнот. 26. Досада. 27. Пикник. 31. Авианосец. 33. Ежика. 34. Жених. 35. Смокинг. 36. Плотина.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Полди. 2. Плавки. 3. Кресло. 4. Горец. 7. Ажиотаж. 8. Альтист. 9. Аксаков. 13. Сковорода. 14. Акварини. 16. Скорец. 17. Пикадор. 22. Протеже. 23. Вторник. 24. Авиация. 28. Овация. 29. Тейлор. 30. Схема. 32. Весна.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Люди, живущие в одно и то же время по отношению к тем, кто жил раньше или кто еще будет жить. 8. Государство в Европе. 9. Родина не менее знаменитых чем наши арбузов. 10. Карточные сердечки. 11. Одно из основных свойств материи — мера ее движения. 12. Ковбойские состязания. 13. Часть свиной туши. 16. Принадлежность для рыбаки. 18. Приспособление для приведения в движение судна или самолета. 19. Новозеландский плод, получивший вначале прозвище «китайский крыжовник». 22. Офицерский чин в русской кавалерии, равный подпоручику пехоты. 24. Рыба-ползунок. 28. Орудие труда старика из сказки Пушкина. 29. Искатель любовных приключений. 30. Вещество из двух или нескольких металлов. 31. «Говорит» и «показывает»... 32. Важная часть ЭВМ. 33. Следственный про-

цесс. **ПО ВЕРТИКАЛИ:** 2. Лицо, дело которого ведет адвокат. 3. Поверхность из досок. 4. «Чужая душа — ...» (посл.). 5. Игровой дом. 6. Военское звание (устар.). 7. Устройство для излучения и приема радиоволн. 14. Какую реку Юлий Цезарь перешел со словами: «Жребий брошен»? 15. Это может возникнуть и между двумя проводниками, и между двумя людьми. 16. Изоляция в целях предотвращения связи с внешним миром. 17. Колочий кустарник с черными плодами. 20. Зернышки. 21. Торчащий, наносящий шпалой смертельный удар быку. 23. Кухонная утварь (устар.). 25. Административно-территориальная единица в Якутии. 26. Топкое место со стоячей водой. 27. В Древнем Риме: лицо, бравшее под покровительство маломощных граждан. Составила З. ИСАКОВА.

● ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА. ВЫСШАЯ ЛИГА

В ПРИВЫЧНОЙ МАНЕРЕ

Для нашего чемпиона — столичного «Пахтакора» — опять наступают жаркие дни. Игрокам этого клуба приходится действовать одновременно на четыре фронта — вести борьбу за удержание титула в национальном чемпионате и Кубке Узбекистана, представлять страну в розыгрыше Лиги чемпионов Азии и делегировать ряд ведущих футболистов в сборную. Учитывая то обстоятельство, что 2 сентября «Пахтакору» предстоит ответная кубковая игра в Фергане, 8 сентября сборная Узбекистана встречается с командой Па-

лестины, а 15-го — матчи Лиги чемпионов, было принято решение встречу семнадцатого тура «Локомотив» — «Пахтакор» перенести на более ранний срок. И вот в минувший вторник встретились два столичных клуба. Первый тайм победителя не выявил, зато во втором зрители увидели четыре забитых мяча, причем в один ворота, которые защищал голкипер железнодорожников. Пономарев, Вахобов, Солиев и Гочулиев принесли уверенную победу «Пахтакору» — 4:0.

Ярослав КОРУКА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Придумаете что-то необычное, выделитесь из толпы. Много важных неотложных дел. Придется мобилизовать бдительность, все поставить под учет и контроль. Максимально используйте то, что имеете в данный момент. Вероятны разногласия с начальством. Эмоциональная неуравновешенность может помешать объективно разобраться в ситуации.

ТЕЛЕЦ. Необходимо определиться с направлением приложения усилий. Важно сосредоточиться на защите имеющихся достижений. Есть шанс получить предложение о повышении по службе. Творческие планы и замыслы начнут плавню реализовываться. Постарайтесь не воспитывать других. Проявите гибкость и понимание по отношению к чужим мировоззрениям. Будут плодотворны переговоры с начальством.

БЛИЗНЕЦЫ. В ваших силах сохранить хорошие отношения с деловыми и личными партнерами. Личные планы будут пересекаться с планами родственников, придется их согласовывать. Активность и целеустремленность позволят решать проблемы на работе. Мудрыми и решительными

поступками, вниманием сможете отогреть сердца и души окружающих.

РАК. Появится возможность блеснуть изобретательностью. Начальство оценит заслуги по достоинству. Возможно укрепление профессионального и финансового положения. Сможете реализовать личные проекты. Не сомневайтесь в силах и возможностях. Благоприятное время для встреч, переговоров, заключения сделок.

ЛЕВ. В работе неплохо заняться новыми направлениями. Избегайте радикальных решений, новое должно строиться постепенно. Сложная ситуация потребует немедленного разрешения. Накопившиеся дела будут мешать двигаться вперед. Потребуется новый подход к обязанностям. Помните об ответственности за совершаемые действия.

ДЕВА. Возможны непростые ситуации. Может одолеть бурная страсть, причем сразу к нескольким разным людям. Вероятна финансовая зависимость от партнера. Будьте готовы ответить за свои слова и взятые на себя обязательства. Старайтесь не напрягаться, все сложится само собой. Поступит интересная информация.

постарайтесь ее не пропустить, от нее будет зависеть будущее. Придерживайтесь своих планов.

ВЕСЫ. Время определится, что перспективно, а что — нет. Хорошее время для поддержания и укрепления собственных позиций. Будьте настойчивее. Сможете реализовать давние идеи. Благоприятно все, что способствует личному развитию. Наступает ответственный период в карьере. Можете рассчитывать на помощь и поддержку друзей.

СКОРПИОН. Наблюдается подъем активности, все на пользу. Соберите лавры и плоды трудов. Дела улучшатся. Может произойти смена места жительства. Будьте внимательны при работе с деловыми бумагами. Завоюйте верные начальства. Откроются новые возможности. Не забывайте о домашних делах и проблемах.

СТРЕЛЕЦ. Все принципиальные вопросы удастся решить. Будьте внимательны и осторожны. Вероятно поступление важной информации. Придется выступать публично. Ваша индивидуальность может проявиться ярко. Не останавливайтесь на достигнутом. Можете рассчитывать на поддержку

друзей. Посвятите время отдыху и развлечениям.

КОЗЕРОГ. Дела на работе сложатся наилучшим образом. Друзья и партнеры будут разделять радости и ошибки. Можете рассчитывать на успех. Вас порадуют подарками. Хорошее время для обновления планов. Нежелательно откладывать на ближайшее будущее накопившиеся дела.

ВОДОЛЕН. Рабочие дела войдут в более спокойное русло. Пора заняться тщательной и кропотливой проработкой деталей проекта. Придется отстаивать свои интересы. Сможете доказать свое право на самостоятельность и независимость. Неделя может оказаться напряженной. Придержите свои эмоции и умерьте амбиции. Старайтесь продумывать каждый свой шаг.

РЫБЫ. Потребуется ответственность и решительность в принятии решений. На работе проявите осторожность. Сконцентрируйтесь на главной цели, сил для ее реализации должно хватить. Дорога к успеху может оказаться крутой и извилистой. Могут быть стрессовые ситуации, держите эмоции под контролем.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмухаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шапба
куналари чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент
шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун
реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агент-
лигида 032 рақами билан руйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп
этилади.